

Келгуси Наврўзларни бундан ҳам тўкин, бундан ҳам фаровон, бир сўз билан айтганда, энг олий орзу-умидларимиз ушалган шароитда кутиб оламиз, иншоолло.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifa

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 24 март, чоршанба Баҳоси сўтовда эркин нарҳда № 25 (7118)

Чортоқ тумани Қорамурт қишлоғида яшовчи фермер Фарходжон Содиков Наврўз кунини Фағур Гулом номидаги мактабининг 600 нафарга яқин ўқувчисига байрам палови тарқатди. Шунингдек, турли мусобақалар ғолибларига кимматбахо мукофотлар топширди. Саховатли фермер мазкур мактаб таъмири учун ҳам маблағ ажратишни ваъда қилди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТANAДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

— ягона, аҳил оила бўлиб яшамокда. Бутун бу ҳақиқатни бутун дунё, жаҳон аҳли эътироф этмоқда, олдимида турган мақсадлар ва эзгу интижишларимизни амалга оширишда бизга ҳамкорлик қўлини узатмоқда.

Бутунги муътабар айёмда мана шу нуфузли минбардан туриб, сиз аъзаъларнинг номингиздан бутун дунё аҳлини ишонтириб айтмоқчиман:

Биз ўз танлаган мустақил йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Буюк келажак, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун сабот ва матонат билан меҳнат қиламиз.

Озод Ватанимизга, мусавффо осмонимизга, Наврўзимизга, динимиз ва эътиқодимизга, фарзандларимиз бахтига чанг солмоқчи бўлганлар, бутунги ҳаётимизни, истиқболи очилиб бораётган эртанги кунимизни кўралайдиганлар билсин: халқимизни бу олуғ ва муқаддас йўлдан асло қайтариб бўлмайди! Хурмати ватандошларим, юртодошларим!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, дилмадиги яна бир фикрни сиз аъзаъларга изҳор этмоқчиман. Яқинда пойтахтимизда муҳаббат вақолатлари бўлиб ўтган дамларда мен ўз тақдиримнинг халқим тақдири билан чамбарчас боғлиғим кетганини бутун қалбим билан янада теран англадим.

Халқимнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги меннинг ҳаётимнинг мазмунига айланган қолганини яна бир бор бутун вужудим билан чуқур ҳис этдим. Буюк аждоҳларимизнинг пок руҳлари олдидан, бутунги ва келажак авлод олдидан бутун боримим, қалбимдан иймон келтириб такрор ва такрор айтмоқчиман:

Мен ҳаёт эканман, йўлимдан қайтмайман, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч қачон, ҳеч қачон қарам бўлмайди!

Мана шу юксак минбардан туриб, миллионлаб юртодошларимнинг сабр-бардоши, меҳр-оқибати, шаҳсан менга бўлган юксак ишонч ва хурмати учун халқимга яна бир бор самийий муҳаббатимни билдириб, таъзим қиламан.

Мухтарам биродарлар!

Наврўз нафаси уфуриб турган шу муборак айёмда барча хайри тилакларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимизнинг ўзи Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин! Наврўзи олуғини муқаддас қўлингиз билан, азиз юртодошларим!



• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони чиқди.


• Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ҳар йили ўтказиладиган тантаналиқ байрамнинг бош тантанасида ҳар бир сичковчил дил ҳис қилди, рухланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди, халққа мурожаат қилиб, дил сўзларини изҳор этди.

• Дилбар шоир, етук давлат арбоби, атоқли саркарда, бо-бокалонимиз — Мухаммад Бобурнинг шоҳ асари — «Бобурнома» япон тилида нашр этилди.

• Исроил Бош вазири Беньямин Нетаняху ўзининг Киевга қилган қисқа ташифи мобайнида Украина Бош вазири В. Пустойтенко ва Президент Л. Кучма билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этди.

• Чеченистон Президенти Аслон Масхадовга Грознийда қилинган суиқасд натижасида бир киши ҳалок бўлди, саккиз киши жароҳатланди.

• Европа Иттифоқининг Берлинда ўтказиладиган саммити доирасида Брюсселда ЕИ мамлакатлари дипломатик маҳкамалари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.



СОГИНДИМ

Тонгги шабадага юзимни тутиб, Юрагим бир олам ҳисларга тўлиб, Дилмида орзулар бир-бирин қувиб, Баҳорим, мен сени соғиндим бу кун.

Тунлари кўзимдан уйқулар қочиб, Танамда шижоат, ғайратим тошиб, Қафасдан қутилган овоз қуш каби, Баҳорим, мен сени соғиндим бу кун.

Табият уйғонди сени соғиниб, Ялпиз, қўқатлардан сомсалар ёпиб, Сумалак таъмин қўмсаб, энтикиб, Наврўзим, мен сени соғиндим бу кун!

Азиза РАШИДОВА, Учқудуқ тумани халқ таълими бўлими услубчиси



НАВРЎЗ ҚАСАМЁДИ

рени изҳор этди. Табрикдаги ҳар бир сўз маъзани чақишга ҳаракат қилар эканман, уни Наврўз қасамёди деб атагим келди: «... Биз ўз танлаган мустақил йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Буюк келажак, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун сабот ва матонат билан меҳнат қиламиз», деган сўзлар ҳар бир иймонли инсон қалбига янгради. «Мен ҳаёт эканман, йўлимдан қайтмайман, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч қачон, ҳеч қачон қарам бўлмайди»

деган сўзлар ҳар бир ватанпарварнинг хоҳиш-иродасини ифода этди. Тантанадаги ҳар бир куй, қўшиқ, рақс ёки ҳар бир саҳна беағи қалблардаги шу мурожаатга куй басталанган шакли эди, гўё. Вужудни жимирлатган ва жимирлатадиган бу кўшиқ ниҳояси, байрамнинг — Йилбошининг бошланғич чоғида Юртбоши санъаткорларга раҳмат деди, халққа талпинди, юзланди. Иштирокчи фуқаро, қолаверса, журналист сифатида одамларга разм солдим. Кўзларда севинч ёшлари қалқиди... Нега? Президентнинг қаҳқон ва дадил ҳаракатиданми? Халққа интилишиданми? Халққа бўлган муҳаббатиданми?

Taassurot

поклик, фикрлардаги ривожланишга ҳамоҳанг, ўзгача. Уларда шу азиз юрт қурки, гурури муқассам. Президент халққа мурожаат қилганда. Юлдуз Усмонованинг «Ўзингдан қўймасин халқим» қўшиғи

ЭЪТИҚОД ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Дин «афюн» сифатида тамоман нари суриб қўйилган йиллар ўтиб, юртимизда мустақиллик шабадаси эса бошлагач, халқимиз турмушида унинг ўзига хос ўрни борлиги сезилиб қолди. Шу боис юртобимиз катта журъат ва иштиёқ билан масжид ва мадрасалар фаолиятини кенг-кўпроқ йўлга қўйиб, ислом дини билан боғлиқ урф-одатларнинг аҳамиyatли жиҳатларини ҳаётимизда қўллашга даъват этдилар.

Аммо... Ана шу уч нуктанинг салмоғи тасодифан барчамизни уйга толдириди. Ахир биз бундай бўлишини кутмаган эдик. Эндиги мулоҳаза ва ўлчовларимиз шу қадар қўпайиб кетдики, манфур ниятнинг келиб чиқишини тарбиянинг ноқораллиги кетгани билан изоҳламоқдамиз.

Аслида ҳам шундай... Аввал хабар берганимиздек, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Диншунослик асослари» фани ўқитилишининг бугунги кундаги долзарб масалалари» мавзусида қисқа мuddатлик курс навоҳаси-

га этди. Куйида маърузачилар ва курс тингловчилари ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар:

Эгамберди Бозоров, — Наманган муҳандислик институтининг доценти, фалсафа фанлари номзоди: — Маълум воқеанинг ижрочилари мияси захарланган, маҳаллий ёшларимиздир. Буни ислом дини никоҳи остида давлатга, ҳокимиятга интилиш деб изоҳлаш мумкин. Айрим ёшларимиз ёвуз ниятчи кимсалар чангалига тушиб қолишганди. Мен уларнинг боши берк қўнда тентираб юрганлар деб биламан. Диний экстремизм қаердан келиб чиққан, мақсади нимадан иборат? Олий ва ўрта масу ўқув юртиларда талабалар онгига қўйилиши лозим бўлган билимга эгамизми? Афсуски, бу борда мақтана олмаймиз. Ана шундай ярамас оқимларга кириб қолаётган ёшларни қайтариш учун етарли билимга эга бўлмоғимиз лозим.

Tahlil

ни боши берк қўнда тентираб юрганлар деб биламан. Диний экстремизм қаердан келиб чиққан, мақсади нимадан иборат? Олий ва ўрта масу ўқув юртиларда талабалар онгига қўйилиши лозим бўлган билимга эгамизми? Афсуски, бу борда мақтана олмаймиз. Ана шундай ярамас оқимларга кириб қолаётган ёшларни қайтариш учун етарли билимга эга бўлмоғимиз лозим.

(Давоми 2-бетда)

«АВВАЛ — ФИКР ...»

Бувам Каримжон Раҳимжон ўғли уч кам юз ёш билан юзлашиб, оламдан ўтдилар. Дов-дараклар билан сирлашиб субатлашадиган, тунроқ билан тиллашадиган боғбон эдилар. Биз бир этак неваралари боғ юмушларида қарашиб турардик. Ишдан бўшаган кезлари, нонушта маҳаллари ёки бошқа дамларда бизга ибратли ривоятлар, ҳикматли ҳикоятлар айтиб берад эдилар. Шулардан бири ҳали-хануз ёдимда.

Ривоят этишларича, Оллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарини яратган пайтда Жаброил фаришта орқали уч нарсани юборар экан. Бири — Фикр, иккинчиси — Шукр, учинчиси — Зикр. Пайғамбарларнинг аксари уларнинг иккитасини қабул қилиб, учинчисини негадир, унутиб қолдиран экан.

Мухаммад алайҳиссалом учта Ваҳийнинг ҳаммасини қабул қилибдилар. Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизнинг кўнгли идрисини Оллоҳ таолога етказибди. Шу тарихи, Пайғамбаримиз: «Аввал — Фикр, кейин — Шукр, сўнг — Зикр тарзида ҳақ ола, уша дин абдуллоҳабд мустаҳкам бўлади», деган эканлар...

Кейинги пайтда аксар ёшлар Зикрга берилиб кетди. Исло — бу тоат-ибадатдангина иборат эмас; у бандани муъминнинг ҳаёт тарзи. Биз, толиби илмлар, ислом эътиқоди ва ибодатлари мавзиси, яъни, Фикр — Шукр — Зикрни яхлит

уйғунликда ўрганишимиз бунинг учун, назаримда, ислом тарихи ва фалсафасини тушуниб ўзлаштириш лозим. Шунинг баробарида қадимий китоблар — Забур, Инжил, Таврот, муқаддас Қуръон ва Мухаммад алайҳиссалом суннатлари бўлиши Ҳадиси Шарифлардан чурқу хабардор бўлишимиз зарур.

Ана шу бирёқламлик, кентликлик оқибатида бўлса керак, айрим ёшлар ваҳобийлик, акромийлик сингари турли хил оқимларнинг зимистон турқуларига билимай туриб кириб қолмоқда. Миллий истиқлол мафқурасига ёт бўлган бундай таъсирларга берилиш ёшларнинг ўзи учун ҳам, жамиятимизнинг учун ҳам мутлақо нафисиз, қолаверса, хабарларнинг аксари уларнинг иккитасини қабул қилиб, учинчисини негадир, унутиб қолдиран экан.

Мухаммад алайҳиссалом учта Ваҳийнинг ҳаммасини қабул қилибдилар. Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизнинг кўнгли идрисини Оллоҳ таолога етказибди. Шу тарихи, Пайғамбаримиз: «Аввал — Фикр, кейин — Шукр, сўнг — Зикр тарзида ҳақ ола, уша дин абдуллоҳабд мустаҳкам бўлади», деган эканлар...

Масрур РАҲИМЖОНОВ, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-курс талабаси

ЗИЛЗИЛАНИНГ САБАБИ

Япон олими Токай Иосифуми Томода Япониянинг марказий қисмида 60 йил давомида юз берган табиий офатларни ўрганиб, таҳлил қилиб чиқди ва шундай хулосага келди: Ер кўп қимирлаган йилнинг март ва май ойларида атмосфера босими одатдаги кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлган. Демак, атмосфера босимининг паст бўлиши зилзилага сабаб бўлади.

ТИЛ ВА ШЕВАЛАР

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозир дунёда 5621 хил тил ва шева мавжуд бўлиб, шундан 500 тасини ўрганилган. 1400 тасининг йўқолиб кетиш хавфи бор. Ҳар учта тилдан бири эса, фақат оғзаки нўтқ шаклига эга бўлгани ҳолда, ҳозиргача ўз ёзув шаклига эга эмас.

СИЧҚОНДАГИ ХУСУСИЯТ

Канадалик олими Мартин Кавалески сичқонлар устида тадқиқотлар олиб борди ва бу жониворлардаги бир хусусиятини аниқлади. Маълум бўлишича, сичқонлар бирон нарсадан қўрқувга тушганларида улардаги оғриқни сезиш қобилияти маълум мuddатга йўқолаётган экан. Олимнинг таъкидлашича, бу гаройиб хусусият одамларда ҳам мавжуд.

МУШУҚСЕВАРЛАР ҚАНЧА?

Лион университетининг профессори Жон Мари Ләге бутун ер кўрсати бўйича боқилаётган ур мушукларнинг сонини аниқлаб чиқди — уларнинг сони тўрт юз миллионга яқин экан. Лекин, масалан АКШ хонадонларида 55 миллион мушук боқилаётгани ҳолда, Перу, Табон, Гаваана сингари мамлакатларда яшовчи аҳоли умуман уйда мушук асрашмайди. Австралия эса, бошқа бир жиҳатдан етакчи: бу ерда ҳар 10 кишига 9 та мушук тўғри келади.

ХИСЛАТЛИ АНЪАНА

Ҳар йили мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси халқимизнинг қадимий байрами Наврўз тантаналарига улашиб кетади. Бунда ўзига хос рамзий маъно борадек, назаримизда. Тап шундан, Наврўз янгиликларини, тозарий фасли бўлиб қолмасдан, балки у кишиларга бахорий қайфият улашди. Ҳар ким ўз режасини туза бошлайди. Масалан, бободехон тенг кунликка қараб қуддиги ҳрсинли чамалаб олади.

Olimpiada — 99

Уқувчиларнинг фан олимпиадасини ҳам шундай таърифласа бўлади. Муаллим шогирдлари истиқболини уйланди, шу билан бирга унинг кўнглида ширин хавотирлар яшайди: «Уқувчим сивондан қандай ўтар экан?», «Иштиёқ, у жараёнда ҳажонга тушиб қолмасми?» Бугун бошланганда сивонда ана шу саволларга жавоб то-

пиллади, ҳар бир иштирокчи меҳнатига ҳолис ва адолатли баҳо берилади. Кунини кеча бўлиб ўтган ташкилий кўмита йиғилишида алоҳида қайд этилганидек, бу тадбирдан бирон-бир иштирокчи норизо кетмаслиги керак, тасодифий саволлар жойида, ҳақамлар хайъати аъзоларини ердამида вилоят вакиллари ва ота-оналар кўзи олдидан ечиши шарт. Чунки барчанинг истаги адолатли баҳо олишидир. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, галдаги вазирига ва масъул котиблар, ҳақамлар хайъати аъзоларининг иши масъулияти, ушбу тадбир ўтказиладиган маскан 1-Тошкент республика билим юртидаги тартиб интизом ҳақида батаф-

Танаффуслар қандай бўлиши керак?

Танаффус педагогикаси ҳақида бирор жойда ўқимаганман. Ҳаётда ҳам танаффусларга унчалик эътибор бермаймиз. Лекин танаффус пайтда мактаб ҳовлисида, йулақларда кузатиб юрилса, биз англаб етмаган болалар дунёсининг ажойиб кўралари қўлга ташланади. Биз катталар тилида айтганда «болалар тўполони»га рабарў келамиз. Мактабларда асосан бу вақт оралиғи икки хил ўтказилади: ё навбатчи ўқувчилар ва навбатчи синф ўқувчилари фаолият қўзғатади, ё ўз холига ташлаб қўйилган бетайин тартибсизликлар. Асли-

да икки ҳолат ҳам яхши эмас. Чунки биринчи ҳолатда ўқувчи энергияси, қувватини катталар назари тушган жойлардагина ҳилолаб туришади, иккинчи ҳолатда эса ўқувчи вақтини самарасиз ўтказида.

лимини асосан дарс соатларида бериб, танаффус вақтига унча эътибор бермаймиз. Ҳолбуки, ун йил мактабда ўқиган ўқувчи икки йилни танаффусга сарф этади. Демак, таълимнинг самарадорлигини

Bolaning bo'sh vaqti

Шу ерда кизик эрифметикага дун келдим. Ҳар кун бир йилда 35 ҳафта, 210 кун ўқишга боради, ҳар кун мактабда беш соат бўлади. Бундан бир соати яъни, 60 минут танаффусга ажратилган. Демак бир йилда ўқувчи 210:5=42 кун ёки 7 ҳафта танаффус қилади. Биз таъ-

йиллар эканми, танаффусни қандай ўтказиш ҳақида ҳа уйланишимиз шарт. Биз ўқувчилар тўполончи, шўх ўқувчиларни ёмонлашгани, улардан шикоят қилишни севамиз. Педагогика эса ана шу шўх, тўполончиларни тарбиялаш асосига қурилади. Чунки тўпо-

(Давоми 2-бетда)

XABARLARI

TAJIRBA OMMALASHTIRILDI
Qora'oz tumanidagi 26 - maktabning oliy toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi Perigul Mametnazarova, 13 - maktabning Qoraqalpog' tili o'qituvchisi Tamara Gaypenovalarning ilg'or ish tajribalari Qoraqalpog'iston Respublikasi xalq ta'limi xodimlarining malakasini oshirish va qayta tayyorlash instituti hamda tuman xalq ta'limi bo'limining uslubchilari tomonidan o'rganilib, plakat tarzida nashr qilindi. Ko'p nusxadagi bu plakatlar tuman maktablariga tarqatildi hamda ulardan ziyokorlar o'z ish faoliyatlarida foydalanmoqdalar.

G'oyib YOQUBOV

O'QITUVCHI - 99

Sherobod tumanida har yili eng yaxshi o'qituvchilarni aniqlash an'anaviy tushirib beriladi. Bu yilgi O'qituvchi - 99 ko'rik-tanlovida 28 nafar o'qituvchi o'z kuchlarini sinab ko'rdilar. Tanlov shartlariga asosan, o'qituvchining dars o'tishi, bo'sh vaqtidagi mashg'uloti, erkin temadagi referat himoyasi, siyosiy savodxonligi baholandi. 41 o'rta umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi To'layeva Saodat faxrli 1-o'rin, 1-umumta'lim maktabining xorijiy til o'qituvchisi Ro'ziqulova Muxabbat 2-o'rin, 6-o'rta umumta'lim maktabining til adabiyoti o'qituvchisi, Normanova Qurbonboy 3-o'rinlari egalladi. Ko'rik tanlovida g'olib deb topilgan o'qituvchilar tuman xalq ta'limi bo'limining Faxriy yorlig'i tuman kasaba uyushmasining qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlandilar.

O. XO'JANOV

ONA-BOLALAR BELLASHUVI

Forish tumanidagi Abay nomli 9 - o'rta maktabda Oila poydevori - ayol mavzuida bellashuv uyushtirildi. Bellashuvda yosh onalardan Chovkarova Gulnoz qizi Laylo bilan, Egamova Ziyoda qizi Maqsuda bilan, Egamova Gulchehra qizi Nigora bilan, Qambarova Yaxshigul qizi Nigora bilan ishtirok etdilar. Musobaqani o'qituvchi Oygul Bozorova uyushtirdi.

Bellashuv juda qiziqarli kechdi. Unda 44 ochko to'plagan ona-bola Ziyoda va Maqsuda Egamovalar g'olib chiqdilar. Faxrli ikkinchi o'rinni esa, 43 ochko bilan onabola Gulnoz va Laylo Chovkarovalar egallashdi.

Rahmatulla MUHITDINOV

MM

XABARLARI

(Bo'shi 1-beta)

Менимча, Ислом таълимоти мукамал билган олим ва тадқиқотчилар халққа яқинлашишлари керак. Ана шунда бўшлиқ қандайдир даражада тўлдирилади. Яна бир фикрим — олий ва ўрта махсус ўқув юртра раҳбарлари, ўқитувчиларини бирма-бир аттестациядан ўтказиш керак. Улар курсни ўқитишга лаёқатлими? Гап ана шунда.

Гулчехра Наврўзова, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ректор муовини:

— Эътиқод ва иймоннинг манзил-мақони қалбдир. «Диншунослик асослари» курсини биз жаҳондаги мавжуд динлар ҳақида чуқур билимга эга, диндорлар билан баҳс-мунозараларда эсанкираб қолмайдиган нотиклик маҳоратига эга ўқитувчиларга беришимиз керак. Институти-мизда талабалар билан оммавий-сиёсий тадбирларнинг уюштирилишини у даражада қониқарли деб айта олмасам-да, ҳар қалай бу мавзуда иншо, реферат, илмий маърузалар ёзиш йўлга қўйилган. Бухоронинг тарихий обидалари, азиз авлиёларнинг макбараларига экскурсиялар уюштирамиз. Ислом таълимоти бўйича анчагина илмий излашлар олиб борилган. Шарқшунослик институтида ташкил этил-

ган курсдан бир дунё таассурот олдим. Назаримда, чигаллашиб ётган масалага ойдинлик киритилгандек бўлди.

А.Матчонов, Нукус Давлат университети ректор муовини:

— Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраевнинг «Терроризмнинг инсоният тараққиётига таҳдиди» тўғрисидаги маърузасида биз учта муҳим жиҳатни қайд қилиб кўйдик: соф фуқаролик бурчи; ҳар қандай хавф хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш; барча-

қаршида тавба тазарру қилишидан не наф?

Бозорда айлиниб юрсам, бошида оқ дўппи, эгнига оқ супр қўйлаб олиб олган бир йигитча лунжида сақич айлантриб, оёқларини кериштирганча, ўтган-кетганга ўз молини мақтарди. Муллавачадир, салом берар десам безрайиб тураверди. Мен унга «Энгиндаги либосинг нимау хулқинг нима?» дедим. У нимадир деб гўдранди. Мен нафратини ичимга сидиролмай, нари кетдим. Шунда ёнгинамдан замо-

лаларда ҳам диний оқимлар, маънавиятнинг маълумотлар беришимиз керак. Ёшлар нима учун ёт таъсирларга берилишяпти? Бу билимсизлик, боши берк қўчага кириб қолишни оқибатидир. Агар биз уларнинг онгу шуурини етарли билим билан бойита олсак, маънавиятини бут қила олсак, улар бошқа йўлга кириб кетмас эдилар.

А.Қирғизбоев, Низомий номидаги ТДПУ ректор муовини:

— «Террор» — кўрkitиш, даҳшатга солиш маъносини аңглатади. Террористик ҳаракатларга мисол кўп. Ҳозирда дунёда улар-

нинг 200 дан ортиқ гуруҳлари мавжуд. Улар турли хил қабиҳ ҳаракатлар — портлатиш, кўрkitиш, гаровга олиш билан шуғулланади. Ҳиндистоннинг собиқ бош вазирлари Индира ва Ражив Ганди, Мисрнинг собиқ Президенти Анвар Садатлар ана шундай кўпуровчилик ҳаракатининг қурбони бўлишган. Япония ер ости йўлларидида заҳарлаш, Грузия Президентига суиқасд, Шимолий Кавказдаги нотинчликлар...

Экстремистик оқимлар ҳар бир мамлакатда мав-

Изоҳ талаб қилмайдиган бу мақолни Фозил Қори Собиров ўз чиқишларида айтиб ўтдилар. «Ҳизби таҳрири исломия» таъсирига тушиб қолган айрим гуруҳ йигит-қизлар, эҳтимол, у кишининг нутқларини эшитишса, халқ олдидаги катта гуноҳлари учун тавба-тазарру қилган бўлармидилар...

Алқисса, курс ниҳоясига етди. Республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Караматов йиғинга шундай яқун ясаб бердилар:

— Шунга аминманки, сизнинг ҳар бирингиз бу назарий чиқишларни саҳродаги қумликка қўйилган сув каби шимиб олдингиз. Ўз ўқув юртингизга борганда, олганларингизни талабаларга қайтариб беринг! Бизнинг раияти-миз бўлган талабаларни тарбиялаш сизнинг зиммангизда. Уларнинг юзини, юрагини оқ қилайлик!

... Оқлик - поклик. Тараққиёт ва эзгу ишларимиз шунга боғлиқ. Эзгу ниятлар эса, покликда, софликда, иймон-эътиқодда. Бу мезонни ҳалолликка, иймон-эътиқодга уйғунлаштира олсак, ҳар қандай эврилишлар биздан йироқлашади.

Хулқар ТҮЙМАНОВА, «Маърифат»нинг махсус мухбири

ЭЪТИҚОД ВА МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА

мизга берилган энг гўзал неъмат — ҳаётга дахлдор-лигимизни кучайтириш.

Фозил Қори Собиров, Республика Вазирлар Маҳкамасининг дин ишлари кўмитаси раиси:

— Ислом дини 14 асрдан бери дунё мусулмонлари хизматига бўлиб келмоқда. У қаҳатчилик йилларида, қатғон даврларида ҳам халқимизни эзгуликка ундаган. Ислом «ғуноҳ» ва «савоб» деган бир-бирига зид тушунчаларни фарқлайди. Ўйлаб қаранг, ислом хулқни жуда чиройли тавсифлайди. Хулқу одоб ийқунинг тоат-ибодатидан, Оллоҳ

навий кийинган зиёлинамо бир йигитча мени таниб, «Ассалому алайкум, қори ака» дея тавозе билан ўтиб кетди. Уларнинг хулқини таққосладим. Ва иймон келтирдим: кишининг хулқини унинг либоси билан эмас, балки қалби билан ўлчанади.

Аҳмадхон Ҳошимов, Навоий Давлат педагогика институти ректор муовини:

— Экстремистик оқимларнинг мақсади халифаликни тиклаш эмиш. Аммо охириги пайғамбаримиз башоратига кўра, араб халифалиги ундан сўнг бор-йўги 30 йил давом этган. Кейинчалик ҳокимиятни

лаларда ҳам диний оқимлар, маънавиятнинг маълумотлар беришимиз керак. Ёшлар нима учун ёт таъсирларга берилишяпти? Бу билимсизлик, боши берк қўчага кириб қолишни оқибатидир. Агар биз уларнинг онгу шуурини етарли билим билан бойита олсак, маънавиятини бут қила олсак, улар бошқа йўлга кириб кетмас эдилар.

А.Қирғизбоев, Низомий номидаги ТДПУ ректор муовини:

— «Террор» — кўрkitиш, даҳшатга солиш маъносини аңглатади. Террористик ҳаракатларга мисол кўп. Ҳозирда дунёда улар-

жуд. Булар кўпинча диний ўзларига байроқ қилиб, ҳокимият талашдилар. Лекин охири оқибатда ўзларини ҳам хонавайрон қилишади.

Ашурбек Мўминов, доцент:

— Диншунос мутахассислар бизда жуда кам. Борлари ҳам муқтақил равишда ўзларини ўзлари тайёрлашган. Иккинчидан, динни ўрганиш марказлашмаган. Шунинг учун аксарият профессор ўқитувчиларимиз маънаб ва оқимларни ҳам билишмайди.

«Эшак Маккага боргани билан Ҳожи бўлиб қолмайди».

ТАНАФФУСЛАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

(Боши 1-бетда)

Танаффус пайтида баъзи ўқувчи бориб дарвозага осилади, баъзиси кўлдига қалам билан деворга чизиб кетади, яна бири эса кучи етганини уриб, йиғлатади. Нима учун шундай? Сабаби уйнагани жой бўлса дарвозага осилмайди, чи-зиш учун хоҳ бўр билан, хоҳ қалам билан чизадиган махсус полотнолар, тахта-доскалар бўлса деворга чизмайди, кураш, бокс тушадиган алоҳида жойлар бўлса кичикларни хафла қилишмайди. Агар йўлакларда қизқарли топишмоқлар, тез айтишлар, кроссвордлар битилган деворий газеталар бўлса, ҳамда бу газеталар тез-тез алмаштирилиб турилса, ўқувчилар қизиқиб қўйишди. Алоҳида бурчакларда шахмат, шашка уйинларини ҳам ташкил этиш мумкин.

Бундан маълум бўладики, танаффус пайтида ўқувчининг ғайрати, фикри бошқа ўзига ўтиб кетса, танаффусдан кейинги дарсни бошлаб олишимиз қийин кеади. Айни вақтда ўқувчи танаффусда яхши ҳордик чиқара олмайди, дарсда эса зерикади. Демак ҳар бир

ўқувчининг феъли, ҳаракатини билган ҳолда қизқарли танаффус қила олсак, дарсларимиз янада самаралроқ бўлади.

Биз — ўқитувчилар танаффусни самаралроқ ўтказишни ўрганиш учун, болалик пайтимизга қайтишимиз, ўқувчилар билан яқинлашмоқ керак. Шундагина улардаги тўплон ва шўхлиқни тушуниб етасиз. Ўқувчилар курак, насихатгўй ўқитувчилардан қочадилар. Болалардаги шўхлиқни тушуниб етмас эканмиз, уни бошқариш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Дейлик, ўқувчилар қор бурон уйнашяпти. Агар уларни қор отмасликка ҳар қанча даъват қилсак бари бир улар четроққа бориб, ёки қайтиб келиб қор уйнайверадилар. Шунинг ўрнига улар билан бирга уйнасак, ҳамда уйнаш жараёнида бу уйнингнинг сирларини ўргатсак, улар ҳам қалин, тоза қор бор жойда, тенг кучлар асосида уйнашар ва бирорта йигит ҳеч бир қизни хафла қилмасди. Худди шунингдек, дарсдан кейин футбол, волейбол, му-собакаларни ўтказсак дарсдан қочиб футбол уйнамайдилар.

Танаффус пайтида доска олдида ўқувчилар тўпаниб олишади, бири гул чизади, бири бўри ва қўённи, бири автомобиль ясади. Биз бўрни исроф қиласан деб уларни ҳовлига ҳайдаймиз. Балким шу бугун яхши расомдан ёки тасвирий санъатдан ўтказиладиган маҳрум бўлгандирми. Балки дарсда ҳам энди доскага чиқибдан совитиб қўйгандирми.

Агар шифокор хато даволаса, беморнинг иситмаси кўтарилиб, бир зумда фош бўлиши мумкин. Лекин биз ўқитувчилар ўқувчиларга турғи тарбия, таълим бера олмаган бўлсак, хатомизнинг натижасини узоқ йиллардан сўнг кўраемиз. Шундай экан ўқувчилар билан мулоқотда жуда эҳтиёт бўлишимиз керак. Бу мулоқот айниқса, танаффус пайтида катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки танаффусдагина ўқувчи эркинлашади. Бизлар учун болалик дунёсининг эшикларни айнан танаффус пайтида очилади. Болаланинг мана шу эшигидан кириб, ўшаб бугубор дунё қонуларини ҳурмат қилган ҳолда ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиш айнан педагогикдир. Шундай педагог буюк келажакни вояга етказишга қодир.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

Республикамизнинг бир қатор таълим муассасаларида таълим-тарбия борасидаги тажриба-синовлардаги жуда кўпчиликни қизиқтириб турибди. Хусусан, биз Қашқадарё вилоятининг Иккинчи шаҳридаги И.Охунбоев номидаги 29-ўрта мактабда ҳам педагогика фанлари доктори, профессор Раҳим Ҳасанов томонидан тузилган «Илмий ўрта таълим мактаблари учун тасвирий санъатдан синов дастури» тажрибадан ўтказиладиган таълим шартини, шу йил мактабга ташриф буюрдим.

Мактаб барча қулайликларга эга замонавий ўқувхонага эга. Унда айни зинда 1508 нафар ёшлар 57 та синфга бўлинишиб таълим олишяпти. Уларга 115 нафар муаллимлар илму-одоб ўргатишяпти. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тажриба-синов майдонини илму-одоб ўргатишяпти. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тажриба-синов майдонини илму-одоб ўргатишяпти. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тажриба-синов майдонини илму-одоб ўргатишяпти.

Устоз шогирдлар қўлида яратилган бири-бирдан нафис ишлар. Лойдан ясалиб, пенда пиширилиб, ранг берилган «Хайвонот олами» бурчаги, «Уй-рузгор буюмлари» бурчаги, «Қоқа-қола» ва «Фанта» идишларидан ясалган гуллар, «Кўйриқчаклар» бурчаги, арпа

чалар нафис бир дил билан безатилганки, назаримизда, бу ерда бирор ортиқ ёки кам нарсаси йўқди. Янги дастур талабларидан келиб чиқилган ҳолда «Нафис санъат», «Меъморчилик санъати», «Графика санъати», «Хайкалтарошлик», «Халқ амалии санъати», «Ранг тасвир», «Натортюр» бурчаклари ташкил этилибди.

Устоз шогирдлар қўлида яратилган бири-бирдан нафис ишлар. Лойдан ясалиб, пенда пиширилиб, ранг берилган «Хайвонот олами» бурчаги, «Уй-рузгор буюмлари» бурчаги, «Қоқа-қола» ва «Фанта» идишларидан ясалган гуллар, «Кўйриқчаклар» бурчаги, арпа

Tajriba-sinov maydonchalarida

11-дарслар учун 2 соатга мўлжаллаб берилган «Шарқ мўъжаз санъати ва унинг мактаблари ҳақида суҳбат» мавзусини олайлик. Ана шу мавзуда оғир берилган. Аслида мавзунини «Исфохон мактаби» деб номланган бўлими болалар ўзлаштиришлари учун берилган 2 соат камлик қилди...


Экспериментатор ўқитувчи Гулнора Шукроровани гапларда жон бордир. Шунинг учун ҳам дарслик тажрибадан ўта-

бораётган олим мутахассисларни кўпроқ бўлиб этиб, уларнинг ҳам фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш керак. Эеро, доню халқимиз «Кўннинг фикри — кўл» деб беҳиз айтишмаган.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мактаб директори Музаззамхон Хидирова янгиликка қизиқувчи, ташаббускор раҳбарлардан экан. — Тажриба-синов майдонимизда амалга оширилган ва ошириладиган барча ишларда мактабимиз директори Музаззамхон опанинг алоҳида хизматлари бор. — деди. Ишқилиб бу жусудда ўқитувчи Гулноза Шукророва — биз ҳар қандам шу кишининг ҳам методик, ҳам молиявий кўмағидан миннатдоримиз...

Ҳа, шундай. Ушбу тажриба-синов майдонини ўз ҳомилигига олган, аҳд вақти-вақти билан ҳол сураб турадиган бирор ташкилот ёки корхона, бординг, бирор «қўллари узунроқ» ишбилармон ёки тадбиркор ҳам йўқ эди. Ишқилиб бу жусудда Қарши шаҳар ҳокимлиги, қолаверса, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги раҳбарлари ҳеч бўлмаса биргина марта йўлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Ахир, ушбу тажриба-синов майдонини эрта-эрта бутун Республиканинг мактабларида ёйилиши кўзда тутилган янги ўқув дастури синовдан ўтказишяптики! Айтиш мумкинки, бу ўта фахрли ва катта бир иш. Катта ишни амалга оширишда эса катта куч, ҳар қандам катта молиявий мадад ва яна амалий ҳамкорлик керак.

Абдували ОБИДДИН, «Маърифат»нинг махсус мухбири



Хар кўнглини уйғоқликка чорлаб, юрт кезиб юрган Наврўз бу йил ўзига тароватга эга. Боси шуки, ўзида миллий-лиқни муҷассам этган Янги кун билан боғлиқ урф - одатларимиз, қадриятларимиз ва муборак амалларимиз истиқлол туғайли қалбларимизда, онгу шууримизда қайта жонланди. У умумхалқ байрамга айланди. Эндилкада байрам тантаналарини нишонлашда



ҳам ўзига хос рақобат пайда бўлди. Бу ҳол, айниқса, маҳалларда, ишлаб чиқариш жомоаларию таълим муассасаларида янада яққол намоён бўлади. Республикаимизда ўтказилган «Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» куриктанловининг қолиби, пойтахтининг «Увайдо» маҳалласидаги 169-мактабда бўлиб ўтган Наврўз байрамидан ана шу жиҳатлар муҷассам эди. Тантана-



нинг бу қадар сеҳру қувончини изоҳлаб — аввало, маҳалла ва мактабнинг ўзаро муносабатлари меъёрини чуқур билиш керак. Чунки бугунги мактаб ўқувчилари эртага маҳалла ахли бўлади. Маҳалланинг тақдир мактабдаги болаларга бўлган эътиборимизга боғлиқ, — деди маҳалла оқсоқоли Олим ака Нурматов. Ҳар бир синф тайёрлаган байрам дастурхониди қадим анъаналаримиз ва қадриятларимиз руҳи сезилиб турганлиги кимни қувонтирмайди дейсиз. Ўқувчилар Ф. Алимжонов, У. Зокирова, 3. Нурдинов ва А. Имомназаровларнинг қўл меҳнати билан тайёрлаган буюм ва таомлар улар томирида яратилган миллат қони жўшураётганидан дарак беради. Бундай тадбирларни ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти ҳақида мактаб директори Қозим Азамов

ЭЪТИРОМ

Ҳозирги вақтда республикамизнинг ҳамма вилоятларида ўрта мактаблар билан бир қаторда иқтидорли ёшлар гимназиялари, лицейлар, интернатлар ва шунга ўхшаш бошқа махсус гуруҳлар ташкил қилинди.

Шундай гимназиялардан бири Шаҳрисабз тумани А. Навоий номидаги 102-ўрта мактаб қошида ташкил қилинган иқтидорли ёшлар гимназия-интернатидир. Мазкур гимназия-интернат 1996 йилда ташкил қилинган бўлиб ҳозирги кунда 30га яқин юқори малакали ўқитувчилар 413 га яқин иқтидорли ёшларга таълим ва тарбия бermoқдалар. Гимназияда тарих, инглиз тили, математика, она тили ва адабиёти, экология фанлари йўналиши бўйича дарслар чуқурлаштирилган тарзда олиб бoрилади ва қўшимча дарслар ташкил қилинган.

Бу ишларни ташкил қилишда ўқитувчиларга гимназия директори Марьям Каримова, директорнинг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича ўринбосари Алишер Халимов, таълим-тарбия ишлари бўйича илмий бўлим мудири-си Гулнора Окмузиева яқиндан амаллий ёрдам беришяпти. Яқинда гимназияда Аёллар йили, Наврўз байрами муносабати билан «Сен доимо ардоқдасан муқаддас аёл» мавзусида мушоира кечаси ўтказилди. Кечада гимназиянинг барча ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар. Кечанинг гимназия директори М. Каримова кириш сўзи билан очди ва йиғилганларни ҳар иккала байрам билан табриклади. Сўнгра бошқа ўқитувчилар ҳам сўзга чиқиб ўқувчиларга ўзларининг яхши фикрларини баён қилдилар. Табдиқ қисми тугагандан кейин йиғилганлар гимназиянинг 7-синф ўқувчилари ўртасида шеър йиғиштирилди, топши-моқлар баҳси ва саҳна кўринишларини мароқ билан томоҳа қилдилар. Гимназия қошида ташкил қилинган «Ёшлик» гуруҳи қўшиқ ва рақслар билан ўзларининг кўнглидан жой олди.

Дилором ХАБИРОВА, Республика ёшларининг «Биозкосан» ўқув - услубий мажмуаси катта услубчиси

Anjuman

Ўқув қўлланмаси - муҳокамада

Кунни-кеча Республика таълим марказида Халқаро қизил Ҳокимияти вақиллари томонидан тайёрланиб, айни вақтларда тажрибадан ўтказиладиган «Инсон ва жамият» қўшимча ўқув қўлланмаси муҳокамада бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Бинобарин, ушбу қўшимча ўқув қўлланмаси ХТВнинг 1998 йил 30 октябрдаги 195 - буйруғига асосан, 1998 йил ноябрь ойидан 1999 йилнинг апрель ойига қадар Тошкент шаҳри, Тошкент Фарғона, Наманган, Бухоро ва Хоразм вилоятларида «Инсон ва жамият» курсларида фойдаланиш учун тасвია этилган эди. Шунга мувофиқ РТМ қошидаги тарих ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш маркази билан ҳамкорликда юқоридан номлари қайд этилган вилоятлардан махсус мактаблар ажратилиб, уларда «Инсон ва жамият» қўлланмаси асосида 8 соат дарс ўтиши йўлга қўйилган. Анжуманда мазкур қўлланма ўқитувчилари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Миллий жамияти масъул ходимлари, ҚХҚК лойиҳаси маслаҳатчилари, ҚХҚК Женевадаги штаб-квартирасининг вақиллари иштирок этишди. Уни ҚХҚК делегати, Марказий Осиёдаги таълим дастурлари раҳбари Роберто Симона олиб борди. Анжуманда халқ таълими вазирни Ж. Йўлдошев, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кўмитаси раиси У. Воҳидова, ҚХҚКнинг Ўрта Осиёдаги Ваколатхонаси бошлиғи жаноб Беат Швайцер ва бошқалар сўзга чиқиди. Анжуман катнашчилари кун давомида қўшимча ўқув қўлланмаси тажрибасининг қандай бoраётганини ва уни республика мактабларида жорий этиш истиқболлари тўғрисида ўзаро фикр алмашишди. Тажрибали ўқитувчилар уни ўзгартиш борасидаги тақлифларини ўртага ташади. Агар тажриба қутилгандек натижа берса, ҚХҚК мазкур қўшимча ўқув қўлланмасини 550.000 нусхада чоп этиб, мамлакатимиз ўқувчиларига бепул тарқатишни режалаштиряпти.

Н.АСЛОН

Инсон, Оила, Аёл тушунчалари табиий ва ижтимоий маънода бир-бирларини тўлдирувчи тушунчалардир. Шу бонс оилага хос кадрларнинг тиклаш ва янада ривожлантириш долзарб вазифага айланди. Инсоннинг бошланғич аёлдан, унинг маънавий камолоти эса оиладан бошланади. 1998 йил Президентимиз томонидан "Оила йили" деб эълон қилинган давлатимизнинг оилага ҳамхўрлигининг ёрқин намунаси бўлиб, ҳар бир оилага замонавий талаблар ва — юксак кадрлар: меҳрибонлик, тотувлик, аҳиллик, боласеварлик ва фарзандларни барқамол инсон қилиб тарбиялаш вазифасини ҳам юқлади.

Жамиятимизнинг маънавий, сиёсий мустақамлиги унинг асосий бўғинидан бошланади. Оилаларда ижобий жиҳатларнинг намоён бўлиши соғлом ахлоқий, руҳий муҳитга боғлиқ. Бу ўзидан юзга келмайди. Аввало, оилаларда йигит ва қизларни ҳаётга тайёрлашдан бошла-

нади. Қайси оилалар ота-она ўз фарзандларини фаилатларини яхши билиб, уларнинг қалбларига йўл топа олиши билан таъбир кўрсатсалар, бундай ота-оналар келажакда қуриладиган бахтли оилаларга замин ҳозирлайдилар.

Оила аъзолари ўртасида

бирини тушуниши, пайдо бўладиган муаммоларни оқилона ечиши, уларнинг шахсий истак ва талабларини умумлашқоқ қондаларига бўйсундириши, яъни ҳамжихатликка боғлиқдир.

Оилани мустақамлашда, фарзандлар, келажак авлод кўз олдига намунали бўлишга ўза-

удумлари, аъналарига амал қилишга боғлиқ.

Ўзбек халқининг азалий удумига кўра, аёл киши жуда эъзозланган, оғир ишлар эркаклар зиммасига юклатилган. Эркак ўз

рилади. Қўшниларни, катталарни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, кичикларга меҳрибон бўлиш руҳида тарбияланади. Бундай кадрлар — оила маданиятини гудаклаган шақлантириб бориш ота-она, биринчи навбатда, она — аёл зиммасидадир.

1999 йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинганни жамиятимиз негизлари, кадрларимиз, оилаларимизнинг мустақам бўлиши ва келгуси барқамол, ёш авлодини комил инсон қилиб тарбиялаш кўзда тутилган оқилона сиёсатимиз натижаси ва бу шарафли ишда Аёлнинг тенгсиз ҳизмати юксак эътибор деб тушуноққозим.

Турсунбой ЮНУСОВ, Камолитдин ЗИЁТОВ, Тошкент молия институтининг "Ўзбекистон тарихи ва демократик жамият қуриш асослари" кафедрасининг доцентлари

МУСТАҚАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

аҳиллик, ҳурмат, бир-бирларини тўғри тушуниш барқарор бўлса, юзга келган руҳий муҳит оиланинг бахт-саодатини белгилайди. Бундай муҳит ҳар қандай оила учун ўта зарурдир. Оила жамиятнинг бир бўлаги сифатида қаралиши билан бирга жамият ҳар бир оиланинг зиммасига ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий масъулиятларини юқлайди.

Ўз масъулиятларини тўғри англашлари, эр-хотиннинг бир-

ро муносабатлардаги ширинсуханлик гўят таъсирчан тарбия қуролидир. "Яхши гапга илон индани, ёмон гапга инсон диндан чиқади" деган халқ мақолининг асл маъноси ҳам сўзининг одам қайфиятини, руҳиятини ўзгаришига қодир кучи тўғри сўзидир. У оила муҳитини иноқлик билан янада бойтайди.

Мустақам оилани жамиятимиз таянчига қиёсласак, янги ёш оилаларнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан халқимизнинг азалий

рафиқасини, оиласининг барча аъзоларини, инсоний шаънини ҳимоя қилиб келган.

Халқимизнинг бой маънавий дунёсининг жаҳон халқларига намоён қилгудек томонлари кўпдир. Масалан, ўзбекининг хондонига қимми эшик қоқиб келмасин, ичкаридан, албатта, "киринг" деган овоз эшитилади. Ўзбек оиласини кўни-қўшини билан кирди-кирдисиз тасаввур этиб бўлмайди. Оилалар дунёга келган фарзанд қалбига юксак инсоний тўғулар сингдириб бо-

БУГУНИМИЗГА БИР НАЗАР

Сиз Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати ҳақида эшитганмисиз? Мазкур санъат масканида республиканинг турли вилоятларидан танлов асосида қабул қилинган иқтидорли болалар тахсил оладилар. Умумтаълим ва мусиқавий туркумларнинг ўйғун бириккувига асосланган мажмуавий қурилма мактаб-интернати шунинг бошқаруви ва педагогик фаолиятидаги ўзига хослигини белгилувчи бош омилдир.

Етмиш йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Глиэр мактаби қарийб 2000 нафар ёш мусиқачи ижрочиларни учирма қилди. Унинг битирувчилари орасида таниқли арбоблар, олимлар, дирижёрлар, бастакорлар, созанда ва хонандалар бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг директори, санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Иброҳимов, таниқли дирижёр Дилбар Абдурахмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Э.Тошматов, Ф.Содиқов, Б.Расулов, Ф.Юнусов, бастакорлар - Н.Зокиров, Т.Қурбонов, З.Тўйчиева, Т.Тошматов, Ф.Олимов... Бу рўйхатни яна узоқ да-

вом эттириш мумкин. Ёш мусиқачи-ижрочиларнинг концерт-филармоник фаолияти тарихига назар соладиган бўлсак, аёл бўладики, улар бу борада ҳам чакки эмаслар. Ижодий сафарлар харитасида Скопле, Москва, Санкт-Петербург, Киев, Одесса, Харьков, Минск, Таллин, Рига, Вильнюс, Бишкек каби шаҳарлар кўзга ташланади. Шу билан бирга глиэрчилар турли танловлар, фестиваллар, санъат байрамларида қатнашиб фахрли уринларни эгаллаб келганлар. Бугунги кунда ҳам бу аъна сақланиб қолган. Санъатга меҳр

ни эслаш мумкин. Фижак ихтисослиги бўйича тахсил олаётган ёш созандалар - 9 - синф ўқувчиси Умид Эшонхўжаев, 2-синф ўқувчилари Раҳматулла Нормуродов ва Ғайрат Аброровнинг чиқишлари консерваториянинг нуфузли илмий ижодий жамоаси, қолаверса, барча тингловчиларда яхши таассурот қолдириди.

Юқорида исм-шарифи тилга олинган болалар билан бирга, ўқитувчи Ж.Иброҳимовнинг яна 2 шоғирди — 8-синф ўқувчиси Мираҳиз Мирзахмедов ва 10-синф ўқувчиси Абдувосит Ғофуровлар ҳам шу йилнинг апрелида Гулистон шаҳрида ўтказилган ўрта махсус санъат билим юртлари ёш созандалирининг XV Республика танловига қатнашиш учун қизгин тайёрланмоқдалар.

Хуллас, режалар катта. Мақсад ҳам аниқ. Махоратни тақомиллаштириш устида тинимсиз ишлаш, янги асарларни юксак даражада ижро этиб, мусиқа деб аталмиш мўъжизавий оламга чуқуროқ кириб бориш, санъатнинг мафтункор қудрати билан кишилар қалбига олам-олам қувонч улашиши...

Qutlug' ostona

қўйган бу ўқувчилар турли нағмасаройларда, хусусан, Успенский мактабиди, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида, "Баҳор", "Туркистон", "Халқлар дўстлиги" саройларида, А.Навоий номидаги ўзбек давлат Академик катта театри саҳнасида йирик концерт дастурлари таркибиди ўз махоратларини намоён этишда давом этмоқдалар. Бунга мисол тариқасида Ўзбек халқ чолғулари бўлимининг етакчи ўқитувчиларидан Бахтиёр Яминов ўқувчиларининг Тошкент давлат консерваториясида яқиндаги бўлиб ўтган синф концерти-

ни эслаш мумкин. Фижак ихтисослиги бўйича тахсил олаётган ёш созандалар - 9 - синф ўқувчиси Умид Эшонхўжаев, 2-синф ўқувчилари Раҳматулла Нормуродов ва Ғайрат Аброровнинг чиқишлари консерваториянинг нуфузли илмий ижодий жамоаси, қолаверса, барча тингловчиларда яхши таассурот қолдириди.

Юқорида исм-шарифи тилга олинган болалар билан бирга, ўқитувчи Ж.Иброҳимовнинг яна 2 шоғирди — 8-синф ўқувчиси Мираҳиз Мирзахмедов ва 10-синф ўқувчиси Абдувосит Ғофуровлар ҳам шу йилнинг апрелида Гулистон шаҳрида ўтказилган ўрта махсус санъат билим юртлари ёш созандалирининг XV Республика танловига қатнашиш учун қизгин тайёрланмоқдалар.

Хуллас, режалар катта. Мақсад ҳам аниқ. Махоратни тақомиллаштириш устида тинимсиз ишлаш, янги асарларни юксак даражада ижро этиб, мусиқа деб аталмиш мўъжизавий оламга чуқуროқ кириб бориш, санъатнинг мафтункор қудрати билан кишилар қалбига олам-олам қувонч улашиши...

Ирода ДАДАЖОНОВА

СЕНИ СОҒИНДИК, НАВРЎЗ!

Шу кунларда мамлакатимизнинг турли жойлариди аниқлаштириш ва яшариш байрами, — Наврўз кизгин нишонланмоқда. Бу байрам Чилонзор туманидаги Х. Ҳасанов номидаги 126-мактабда ҳам "Сени соғиндик, Наврўз" мавзусида ўзгача кайфиятда ўтказилди. Байрам дастурхонига турли таомлар билан бир каторда ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган баҳорий таом-сумалак ҳам тортилди.

Байрамни мактаб директори О.Алимова кириш сўзи билан очиб, йирилганларни Наврўз айёми билан табриқлади. Байрам қатнашчиларидан шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Х. Йўлдошев шарафли касб эгаларига келгуси ишларида зафарлар тилаб, мактабнинг илғор ўқитувчиларидан М. Арипова, Б. Икромов, О. Алимоваларга "Халқ таълими фидойиси" нишон-ёроғини топширди.

Байрамга йирилганларни Президент девони ходими К.Каримбеков, Чилонзор халқ таълими бўлими бошлиғи А. Абдалимов, Ўзбекистон телерадиокмпанияси суҳандони Т. Исроиловлар Наврўз айёми билан табриқлаб, энг яхши тилакларни билдирдилар.

Байрам тантаналари шўх куй-қўшиқлар остида узоқ давом этди.



Юртим боғларида гуллади ўрик, Баҳорга чулғанди бизнинг жанублар. Кунлар шамолди гуллар баргидек, Учиб келаётир хушбўй мактублар.

Ҳа, юртимизга хушбўй мактуб бўлиб Наврўзи олам келди. Уни ҳар биримиз олам-олам шавқ билан кутиб олдик. Жумладан, Тошкент туманидаги 9-мактаб жамоаси ҳам. Уларнинг қувончи ана шу суратларда ҳам акс этиб турибди.

Р. АЛБЕКОВ олган суратлар.



Д. ЭГАМКУЛОВА

ТОПҚИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қибрай туманидаги 25-мактаб-лицейида Наврўз байрамига бағишлаб 11-синфлар ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" беллашуви бўлиб ўтди. Унда "Нафосат", "Эркатой", "10+1", "Қумо" жамоалари ўзаро беллашишди.

Беш шарт бўйича бўлиб ўтган бу қизгин мусобақада "Эркатой" жамоаси аъзолари рақибларини ҳар жиҳатдан ортада қолдириб, голиб бўлишди. Беллашув иштирокчиларига мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.

Дилноза КАЙУМОВА

"Маънавият" нашриётида таниқли олим ва файласуф, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Саид Шермухамедовнинг "Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти" рисоласи босилиб чиқди.

Халқимиз кўп асрлар мобайнида ўзга миллат вакиллари ва элатлар билан дўст, ахил бўлиб яшаб келмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади. Муаллиф назарида, бу тарихий ҳодиса. Янги замон кишисининг миллатлараро алоқа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосининг назарий ҳамда файласуфий жиҳатдан ишлаб чиқиши ниятда муҳимдир.

Саид Шермухамедовнинг ушбу асари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизда ахил яшаб келаётган барча миллат ва элатларнинг муносив турмуш тарзини таъминлаш соҳасидаги олижаноб саъй-ҳаракатларига жавобан, миллатлараро

КИТОБЧАНИНГ КАТТА ЮКИ

асослари ва унинг ҳозирги аҳоли" деган мазмуни ўз ичига олган. Миллатлараро алоқа маданияти, ҳар қандай маданиятнинг сингари кишилар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам бериб, бу ҳақдаги билимлар, малака ва кўникмаларнинг мавжудлигини назарда тутди. Муаллиф миллатлараро алоқа маданиятининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини очиб беради. Кўп миллатли давлатда барча миллатлар ва элатлар илмий, маданий ва тарихий меросига, миллий маданиятларини, ўз она тилларини ривожлантиришга эътиборлиқ ва сезгирлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини исботлаб беради. "Миллатлараро алоқа маданияти ҳар бир миллат ва элатнинг ўз вазифалари ва бурчини англаб етишни назарда тутди. Бу вазифалар ва бурч кўп миллатли муҳитда ҳаёт кечириш, шу жумладан ўзининг муносабатларига, малака ва кўникмаларига, мулоқот олиб

Taqriz

ла ро алоқа маданиятининг барча субъектлари кам деганда ўз она тилига эгадир. Шунинг учун ҳам бошқа миллатнинг (элатнинг) тилига ўзаро ҳурмат билан қараш, уни ўрғаниш керак. Бунда, биринчидан, энг оддий билиш — миллатлараро алоқа маданиятининг зарур, энг муҳим шарти бўлиб, иккинчидан, миллий ўзлигини англашдан ажралмасдир.

С. Шермухамедов миллатлараро алоқа маданиятини ҳар томонлама тадқиқ қилиб, қуйидаги хулосаларни чиқарган:

Миллатлараро алоқа маданияти жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига сингир кетган. У ўзига хос хусусият-

ли равишда тузилиши ўзига қўлдан-қўл элементларни қамраб олади".

Миллатлараро алоқа маданияти ҳар қандай маданият каби билиш функциясига эгадир. Бу ўринда унинг салмоғи тарихий ва маданий ривожланишга, ўсишга мойил эканлигини намоён қилади. Миллат-

лар ва ижтимоий жараёнларга, жамият тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатиши туфайли мустакил ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Фуқаролар тинчлигисиз, миллатлараро тотувликсиз кенг қамровли муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди.

Жаҳон цивилизациясининг бугунги ва эртаси кўп жиҳатдан, ҳатто ҳал қилувчи даражада миллатлараро алоқа маданиятига боғлиқдир.

Биз муаллиф С. Шермухамедовнинг китобчасини синчиклаб ўқиб кўриб, шундай фикрга келдикки, ҳозирги авлод учун бу асар жуда зарур. Китобчанинг катта юки бор, деб ўйлаймиз. Кимки ўз миллатини севиб ардоқлар экан, бошқа миллат вакиллари билан маданий урф-одатларига ҳам ҳурмат билан қарайди.

Н.ХУҲАЕВ, З.БАУБЕКОВА, Д.АЛИМОВА, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг ўқитувчилари

Fanimiz fidoyilari

ОЛИМНИНГ ИМКОНИ

Очил Мавлонов Қашқадарё вилоятининг Фузор туманидан. Қоратиканликлар ўзлариди етишиб чиққан бу олим билан фахрланадилар. Отасидан эрта жудо бўлганлиги ва моддий қийинчиликларга қарамай, билимга ташна йигит Алишер Навоий номидида Самарқанд давлат университетини имтиёзли диплом билан таъминлаган, ТошДУ аспирантурасига кириб тахсилни давом эттирди. О.Мавлонов йирик олим А. Тулганов раҳбарлигида ўсимликлар зараркундаларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мавзусида илмий тадқиқот олиб борди.

Тадқиқот олиб бориш қроғоз қоралаш эмас, балки чинакам маънода захмат чекиш, қийинчиликларни гарданга олиш демакдир. О.Мавлонов номзодлик диссертацияси билан киришганда йўқ. Республика иқтисоди учун энг муҳим экан ҳисобланган бўлган зараркундалардан немогадаларини ўрғанишга қаришди. Ана шу мақсадда у турли вилоятларга 10 дан ортиқ йирик илмий экспедициялар уюштириб, минглаб ўсимлик ва тўпроқ намуналарини йиғди, жуда кўп тажрибалар ўтказди. Бошқача айтганда, фан докторлиги илмий даражасига эришиш нақадар улкан ма-

шқат эканлигига тан берди. Интилиш ва машқатлар сарамаси ўлароқ, у ўз мақсадига 1993 йилда эришди.

Очил Мавлонов зоология соҳасидаги йирик назарий ва тадқиқот олимлардан. Зоологиянинг турли жаҳаларида иккита монография, бир неча илмий - оммабоп рисола ва 100 дан ортиқ илмий мақола қўлган. У ЎзФА Зоология институтини ва Тошкент Давлат Университетини қошидаги зоология ҳамда экологияга ихтисослашган кенгашларнинг аъзоси.

О.Мавлонов катта педагогик таърибига эга бўлган олим. У 30 йилдан ортиқ Тошкент Давлат Университетида зоологиянинг турли соҳаларидан ва экологиядан дарс бериб келмоқда. Биологиянинг турли жаҳалари бўйича 20 га яқин ўқув ва методик қўлланмалар яратган Очил Мавлонов, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари учун ҳам янги тилдаги зоология дарслиғи ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатган.

О.Мавлоновнинг илмий ва педагогик фаолияти фақат зоология билан чекланиб қолмасдан, таълимнинг методик томонларини ҳам ўз ичига олади. У ўқувчиларнинг ташаббускорлигига кенг йўл очиб бериш орқали ўқув жараёнини янада демократлаштириш устида

жуда муҳим тадқиқотлар олиб бормоқда. Олим раҳбарлигида ўқувчиларнинг мустақил билим олишини фаол ташкил этишнинг кўп ахборотли ҳамда билимни рейтинг системасида назорат қилишни ўз-ўзини таъминлашнинг рағбатлантириш воситалари ишлаб чиқиш, ўқув жараёнида синовдан ўтказилмоқда. У педагогика назарияси ва ўқитиш методикаси бўйича ихтисослашган илмий, биология бўйича илмий-методик кенгашлар аъзоси.

О.Мавлонов Тошкент Давлат Педагогика Университетини қошида тахсил олаётган бир қанча аспирантларнинг тадқиқотларига олимий раҳбарлик қилиб келаётган устоздир.

О.Мавлонов - фаол ижрочи олим. У олий педагогика, шаҳар ва вилоят педагогик ходимлари малакасини ошириш институтларида биологиянинг турли соҳаларида маърузалар ўқийдиган асло эринмайди. Унинг бундай маърузалари 200 дан зиёддир.

Муборак 60 ёшини нишонлаш арафасида биз у кишига устоз ва шоғирдларнинг номидан бундай имконлари яна ҳам кенгайиб бораверишини тилаймиз.

З.ИЗЗАТУЛЛАЕВ, СамДУ профессори, А.РАХМАТУЛЛАЕВ, аспирант

Баҳор келиши билан узоқ ўлкалардан қушларнинг учиб келиши, бийрон-бийрон сайраши болаларни ўзига ром қилиб, завқ-шавқ бағишлайди. "Қушлар байрами" мавзусида эрталах ўтказилинган аҳамияти ҳақида гапирмаска ҳам бўлади.

Байрам эрталағи олдиндан қуйи синф ўқувчилари амалга оширадиган ишлар оз эмас. Улар қушларга чиройли ин ясаб, турли расмлар чизишиб, лой ва пластилиндан қушларнинг шаклини тайёрлаб, эрталахка мазмун бағишлайдилар. "Қушлар — бизнинг дўстимиз" мавзусида ишчи ва кичик қўшларга эътибор, қушлар овозига тақлид этиб сайрашни машқ қилишади. Шеър ва матнларни ёд олиб, қўшиқ-рақслар ўрганиш ҳам мумкин. Мактабда қушлар байрамига бағишлаб махсус кўргазма ташкил этилади. Мактабимизда бу байрамни ҳар йили ўтказамиз. Ўқувчилар ҳам жон диллари билан иштирок этишади. Куйида унинг мазмунини келтирар эканман, ҳамкасбларимга фойдаси тегар деган умидман.

Эрталах ўтаётган богда ўзига хос саҳна. "Баҳор вальси" янграйди.

Бошловчи: Ҳурматли меҳмонлар, азиз ўқувчилар! Юртимизга баҳор ташриф бурдан. Ўлкамизга ҳамма ердан қушлар ҳам бизга қараб талпинишяпти. (Қушларга бағишланган бирор-та шеър ўқилади).

Сўнгра қуй янграйди. Қушларга тақлид қилиб, болалар "учиб" келишади. Ҳамма қарсақ чалиб, улар-

ни қарши олади.

Бошловчи:
Мана бу қуш савъажон,
Буниси-чи, лайлақвой.
Шўх сайроқи майнажон,
Ола қанот қарғавой.
Укку, каклик, тувалоқ,
Булбул, загча, загизғон,
Беданаю, қарқуноқ,
Бари меҳмон бўлишар,
Сайраб қўшиқ айтишар,
Бошловчи навбатни булбул-га беради.

Булбул:
Чаман-чаман очилган,
Гулзор менинг маконим.
Атироқ ҳидлар сочган,
Гуллардир менинг жоним.

Какку:
Ҳар қуш ҳар хил сайрайди,
Бор қуш ҳар хил сайрайди:
Каптар сайраб гу-гулаб.

Болалар:
Чаман-чаман очилган,
Гулзор менинг маконим.
Атироқ ҳидлар сочган,
Гуллардир менинг жоним.

Какку:
Ҳар қуш ҳар хил сайрайди,
Бор қуш ҳар хил сайрайди:
Каптар сайраб гу-гулаб.

Болалар:
Ма, шokolад, сут, кулча,
Егин қорнинг тўйгунча.

Бошловчи: Болалар қушларнинг қандай тезликда учини биласизми? Қалдирғоч соатиға 100 - 150 километр тезликда учади. У 10 - 12 соатлаб тўтовсиз уча олади. Энди айтинг-чи, қушларнинг қандай ухлашини биласизми?

Болалар: Майна, қарға, загча, чумчуқ, бир оёқда туриб ухлайди.

Саъва эса икки оёғи билан шохчага ёпишиб ухлайди.

Бошловчи: Қайси қушлар об-ҳаво даракчилари?

Болалар: (галма-галдан) Агар каптарлар тез-тез гу-

Maktab sahnasi uchun

Қишда учиб кетади.
Читтак:
Қора қуш-ку деманглар,
Қорашақша яхши қуш
Шақиллама бекорга,
Ўзи асли бахши қуш.
Бошловчи: Болалар, қушлар қаерга ин қурадилар?
Болалар: Қалдирғоч, қалдирғоч, Қорнинг тўжми ёки оё?
Қалдирғоч: — оч, оч, оч, Каптар сайраб гу-гулаб.

гўласа, ҳаво очиб бўлади. Шамол бўлиш олдидан қалдирғочлар гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб учинишади. Агар булбул тун бўли сайраса, эртасига кун очиб бўлади. Чумчуқлар қишда баравар сайраша, ҳаво исийди. Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади. Қаргаларнинг тез-тез қағиллаши об-ҳавонинг айнишидан дарак беради.

Бошловчи: Болалар, биласизми, мусиқа кишин-ёзин ўлкамизда яшайди. У бегона ўтлар уруғини оё, фойда келтиради. Загча эса зараркунанда хашаротларга қирон келтиради. Бир жуфт майна бир йилда 150 миңга яқин чигиртакни йўқ қилади. Шунинг учун ҳам қушлар бизнинг дўстимиз.

Болалар қўлларида ўзлари ясаган ин ва уйчалар билан "қуш"ларга юзланадилар.

Қушлар:
Ин ясабсиз бизларга
Яйраб киримиз
Раҳмат айтиб сизларга —
Сайраб берамиз.

Болалар:
Қушлар, қушлар, хой қушлар,
Бизларга ўртоқсизлар,
Қушлар бизнинг дўстимиз,
Боғу - роғларда уларни
Биз қўриқлаб тураимиз.

Байрам охирида болалар тантанали равишда ўзларининг ясаган инларини даракларга ўрнатиб донхўрақлар қўйдилар.

Ситоракон РАҲМОНБЕКОВА, Тошкент шаҳар 140 - мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб туривчи Республика курси 1999 йил апрель ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди.

1. Мактабгача таълим муассасалари мудирилари:
1.04.99—27.04.99 й.

2. Мактабгача таълим муассасалари услубчилари:
1.04.99—27.04.99 й.
Қисқа муддатли курслар:
3. Мактабгача таълим муассасалари руҳунослари:
5.04.99—17.04.99 й.
Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент ш. Собир Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй
Телефон:
46-88-04

Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг охири бекатибачи.

БОЛАЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбек халқи — болажон халқ. Назаримга, бағри кенглигу меҳри дарёлик ўзбекларгагина хос хислат. Шу сабабданми, бизнинг ота-оналаримиз фарзандлари учун елиб-югуришади. Уларнинг бахти, келажаги учун иложи борича яхши тарбия ва пухта билим олсин, дея ҳаракат қилишади. Агар ширинган-шакор болаларнинг нимагадир қобилияти борлигини сезиб қолишса, энг яхши таълим-тарбия масканларига бериши ошқинишади. Айнан ўша лаҳзада онажонларимизнинг кўнглидан ўтган қувончини бир тасаввур қилиб кўринг-а!



Суратда: «Қора камар» соҳибиди Дамир Эшонкулов болаларга каратэ сирларини ўргатмоқда.

Алишер РИСКИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Maktab o'quvchilari V respublika spartakiadasi BUХОРОЛИК ПОЛВОНЛАР ГАЛАБАСИ

Maktab o'quvchilarining bu йилги V spartakiadasiда ёш спортчилар 20 хил тур бўйича беллашди. Мусобақалар март-апрель ва май ойларига республиканинг турли шаҳарларида ўтказилди. Яқинда спартакиаданинг илк беллашуви бўлиб ўтди. Бухоро шаҳрида юнон-рум кураши бўйича уч кун давом этган мurosасиз курашлар якунига кўра, команда ва шахсий ҳисобда қолиб ва совриндорлар аниқланди.

Xullas...

СУЯК НИМАГА КЕРАК?

Россиядан олиб чиқиб кетиладиган яшчери сут эмизувчи ҳайвон (суютни Шережетов божхоначилари сезиб қолди. Бир гуруҳ жиноятчилар ноқонуний равишда япчирнинг скелетини Котелничский ҳудудидан қовлаб олган эдилар. У ерда кўпгина қадимги ҳайвон қолдиқлари учрашди. Жиноятчилар бу ноб топилмани чегара бўлиб жўнатмоқчи эдилар, бироқ контрабандистлар шум ниётларига етолмадилар. Уларга скелет нима учун керак бўлади экан? Бу терговда маълум бўлади...

МАНИКЮР ҲАМ ТАТУИРОВКА

Биламизки, хотин-кизларнинг тирноқ бўяшлари қадимги урфлардан. Шарқ аёлларининг муборак айёмлари тирноқка хина суришлари назокат белгиси ҳисобланган. Аммо сўнгги асрда тирноқнинг турли бўёқлари чиқиб кетди: оқ, қизил, яшил, сариқ, пушти.

Тоқмоқда ўтказилган аёллар шоуига қатнашганлар таажжубда қолди. Махсус мослама ёрдамида 150 нинга аёллар тирноғида хар хил шакл яшил гул, куш, капалак, япроқ, ҳаммаси бўлиб 100 дан зиёд нарсаларнинг расмларини янгилик ва нафис қилиб, сийё билан чиқиб берилади. Бу мослама япон аёллари учун энг бозори чакқон товар бўлиб қолади, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

БОЙЎГЛИНИНГ НИГОҲИ

Сизнинг орқангиздан кимдир тикилиб турибди. Билмишга қизиқасиз. Табиий ҳол, албатта ўтирмасиз. Амир сиз қаёққа борсангиз сизга қараб турган кишининг кимлигини қаердан биласиз? Бойўғил учун бунинг ҳолати йўқ экан. У бошини 180 градусти буриб кўя қолади. Чунки бу қушнинг кўз қорачиқи қимир-ламас экан, лекин бойўғил бошини 270 градусти буря оладиған кўш бўлиб, қоронғуда қуши хусусияти зур.

Уларнинг қундузи аъло даражада кўриш қобилияти ҳақида гапирмасиз ҳам бўлади. Узоқ масофани илашда бойўғил ақлли эрт бўлиши одамларни доғд қолдиради. Тена қовонини тушири оладиған бу қушнинг қуниги оқиб юмиш қобилияти ҳам бор, деб хабар қилади «Нашляуайд-хайф» журнали.

СУТ БИЛАН ТИРИК

Бразилиялик 78 яшар Кордейру да Силва боалиғидан тузук- куруқ овқат емайди. Аммо тетик, бардам. Кучли тоамлар ейишдан ўзини тийиб қорган бу киши икки 25 тарта уйланган бўлиб 25 фарзанди бор. Дадхашти жасадларга чалинмаганлиги ҳақ доим унга хуш кайфият бақишлаган.

Хўш, Кордейру да Силва нима билан тирик? Хотини ҳар кун қушига бир стакан манго шарбати ичиради. Тоғо бир қурақдан қора қахва ҳам ичиб туради. Нафсингизни жиловлаб, кўпроқ сут ва қахва билан кифоялансангиз камини қаби соғлом бўласиз, деб таъкидлайди Кордейру.

ana shunaqa gaplar...

ЭЪЛОН

Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Toxtiev Abdurashid Abdibekovich номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги Н.Тўрақулов номидаги 283-мактаб педагогик жомаси шу мактаб ўқитувчиси Гулчехра ҲАКИМОВА вафоти муносабати билан маърузанинг ораси ва она аълоларига чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультети жомаси шу факультетнинг декан муовини Назиржон Мамадалиевга акаси

Исроил КОМИЛОВ вафоти муносабати билан таззия изҳор этади.

maydonchasi

СОЛИЙ ЛИГАДА 2 - КАДАМ Кеча республикаимизнинг кўпгина яшил майдонларида олий лига командаларининг иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ўтган мавсум чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» командаси «Трактор» жамоасини 4:1 ҳисобида енгди.

ЎЗБЕК ТЕННИСИ ЖАҲОН ЛИГАСИ САРИ Ўтган йили теннисчиларимиз жаҳоннинг энг кучли 24 командаси таркибига кирган эди. Бу йилги мавсумда 29 март кунини Японияда бўладиган баҳс ҳамюртларимизнинг жаҳон лигаси сари қадамларида жуда муҳимдир. Ҳозирча имкониятлари 50 x 50 баҳоланмоқда.

СПОРТ ВА САНЪАТ УЙГУНЛАШДИ Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон бокс федерацияси билан ҳамкорликда «Хайри бокс дастури»ни уюштирди. Таниқли эстрада хонандалари ва ўзбек бокс юлдузлари иштирокида концертдан тушган 1 миллион сўм маблағ 16 февраль воқеаларида жабр кўрган оилаларга берилди.

ГОЛИБЛАР ФИНАЛГА ЧИКАДИ Европа чемпионлар лигасининг футбол бўйича ярим финал учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра «Бавария» (Мюнхен) — «Динамо» (Киев), «Манчестер Юнайтед» (Англия) — «Ювентус» (Италия) гуруҳлари ўртасидаги учрашувлар 7, 21 апрель кунлари бўлиб ўтади.

АЁЛЛАР ЙИЛИДА АЁЛЛАР БАХСИ Аёллар йилида Тошкент WTA tour таснифидаги йирик мусобақани қабул қилаётгани кўплаб мутахассис ва ишқибозлар эътиборини тортди. Бир ойдан сўнг сайёрамиздаги етакчи ракеткачи аёллар муҳим оқолар йиғиш учун Тошкентга келади. Улар орасида Аяя Сугияма (Япония), Янак Басуки (Индонезия)лар ҳам борлиги эътиборлидир.

КЎЗИМ ЧАҚНАР КЎНГАЛИМ БУТУНЛИГИДАН

Кўқонлик машҳур муаллима Маҳфуза бону Раҳматжон қизи Раҳимовага: Бола кўнгли худди оппоқ қоғоз, Унга шахм билан ёзганларнинг роз! Буюклардан келган муҳаббатли саз! Мутлола билан отади тонгинг, Ўрганганинг яна туйиладиги оз!

Яна не уммонга ҳаёлинг учди, Одамийлик фани қалбинга кўчди. Уқувчи жонига гўё жон қўшди. Сен, эй, адабиёт муаллимаси, Дарс пайти ҳаммиса илҳоминг жўшди!

ҚАСР ИЧИДАГИ ГЎЗАЛ

Рўбарў қўшнинг тўйими сабаб, Қарашгани кирдинг унинг қасрига. Алтир-юлтирларга ташламадинг кўз, Ташмайсан бойлиқнинг ҳеч асирига. Лек ўзингни бунча бегона тўтиб, Жонингни азоблаб қимтининг не! Қасрдан олтиндан, зардан балангсан, Эй, поклик тисмоли, биланган сени...

Кo'ngil bitiklari СУЪҲИДАМ

Субҳидамдан гўзал бирор он йўқдир, Хонам дерзасин очаман катта. Нихоҳим югуриб Шарқий тарафга, Ёшариб келгандай бўлман ҳапшо. Гапириб юборар шунда табиат, Эзгулик бағрига чорлар сукунат. Беоёли кенгликлар яна ёйилиб, Кўз олдигда гуяё қўнғари қад. Жамилларни тинглаб ҳайратланман, Онгни яйратади ёруклик саси. Чизиб қолган-қутган қоронғуликни, Борлиқни оқ ранга бўяр Эгаси!

ЙЎЛИМИЗ АЙРИЛИБ...

Ёдимга боғ дарвозаси, Ёнидаги марвартак ҳам, Узун йўлак бўйлаб кетган, Соя-салқин сўри шок ҳам. Кўз олдигда ариқчанинг Чулдир-чулдир оқишлари, Ялтираган олмланинг Барглар аро боқиллари, Жийда гули сархуш этиб, Маск этарди ҳапшо майси. Райҳон ҳидли шўх шаббода Суйалганда бир яйрашди. Боғ этаги сойга тўташ, Эшитилар шарқираши. Ойнинг сувда парчаланиб Яна қайта яққираши, Ҳаммасидан сенинг тоғо Уйга ботиб туришларинг, Қани, ўша таманнолар, Ноз-ноз билан юришларинг! Гулсозордан ўрикзорга Қувлашиб ўтар эдик. Думлашиб бездорга, Пичираб шешар билар эдик. Улғур-ўлғур, бари ўлғур, Йўл айрилиб қолдик ўтга!

Йўлдош СУЛАЙМОН

НАВРЎ ТАНТАНАСИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 98-мактаб-интернатда 400 ўғил-қиз таълим олиб, тарбияланади. Бу билим юрти 1956 йида ташкил топган. Қуни кеча бу мактабда ҳам ажойиб байрам кечаси бўлиб ўтди. Барча ўқувчилар кенг ва шинам дастурхон атрофида тўпланидилар. Шайхонтоҳур тумани ҳақ таълими бўлими мудир Р.Усмоновнинг барчанинг яни ва азиз кўзи — Наврўз билан табриклади. Шундан сўнг мактаб-интернат ҳаваскорлик тўғрисида қатнашчилари чиройли кўй-қўшқарлар билан дарвага фойз қилиб, ҳаммани қўшқил эдилар. Энг кўп овоз билан марказида ахшлар кеча якунида бўлади дейиш мумкин. Саҳovatпеша инсонлар ва хомийлар ҳамияти билан барча ўқувчилар Наврўз тўғрисидаги қабул қилиб олишди. Иктидорли болалар VIII савбада шаҳар мекдесиде роибликни қўлга қилибди. Республика ташкилоти йўналимида олдун Д.Тўйибев, шу тўғрисида 2-ўрин соҳибиди бўлган Р.Тошмуҳоммадов эъзаки совадлар топирилади. Мактаб-интернат илмий бўлими мудир Лола Атаева ўз миннотдорчилигини қўйиладиганча изҳор этади. — Байрамни ўтказишда бизга «Ал-Машрик», «Бешёв», «Уфк», «Абулқодир», «Муҳаммадлар» фирмалари, «Оқил» маҳкам қўмитаси хомийлик қилди ва катта ёрдам кўрсатди. Айниқса, «Муҳаммадлар» фирмаси тортик этган совадлар 1-синф болаларини жуда хурсанд қилди. Байрам тошмаларини кўзлар эканми, бу дегроҳда келажакнинг Темурари, Зебуно ва Улуғбекларга қамол тонаётганини ишондим. Деворни газеталар, болалар кўлали билан бўнаё этилган нақшкор, қўладошлик бўёқларини кўриб қил қувондим.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

ПУЛНИНГ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Пулнинг тарихи жуда узоқ. Пул дарвор пайдо бўлган эмас, у дунёга келгунча узоқ йўлни ўз шакллари эволюцияси орқали босиб ўтган. Пул инсониятнинг энг буюк ихтироларидан бири, иқтисодиёт фанининг энг қизиқарли ва қадимий соҳасидир. Унинг пайдо бўлиши жамиятда товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Қадимда олдин маҳсулотлар бир-бирига бевосита алмаштирилган. Хунарманда ўзи ясаган асбобни, деҳқон ўзи етиштирган ҳосилни бозорга олиб бориб, ўзи ва оиласига зарур бўлган нарсани тўғридан-тўғри ўзгаро қелишув асосида алмаштириб келган. Маълум бир маҳсулотлар, айниқса, қийинчилик билан олингандаги ёки етиштирилгандаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва улар истаган нарсасига алмаштирилган. Айнан шундай товарлар пулнинг пайдо бўлишига туртки бўлиб, аслида пулнинг ролини ўйнашган. Кейинчалик товарлар миқдорининг қўлайлиги нагизасида бундай алмашув жуда ноқулай ва қийин бўлиб, умумий эквивалентлик роли ёки қиймат ўлчови воситаси тўлалигига олтин ва қумушга ўтган. Олтин ва қумушга ҳамма нарсани сотиш ва олиш мумкин. Шунинг учун ҳам пул-

нинг дастлабки кўриниши олтин ва қумуш тангалардан иборат. Яна бир сабаби, олтин қамурайидан нодир металл, узоқ сақланади, кўриниши билан одамларни қувонтиради. Уни йириклаш ёки майдалаш, мохиятини ўзгартирлай ҳар хил буюмларга ишлаштириш мумкин. Дастлабки танга пуллари эраимиздан олдинги 2 асрда Юнонистонда олтин ва қумушнинг табиий қоришмасидан ишланган. Кейинчалик ионун ва Рим давлатларида бу тангалар соф қумуш мисдан зарб қилинган. Марказий Осиёда биринчи пулар Искандар Зулқарнайнинг саркардаларидан Селевек асос солган Селевекидлар давлатида, Селевекнинг ўғли Антиох томонидан милоддан аввал 280 - 261 йилларда чиқарила бошланган. Кейинроқ эраимиздан аввал III аср ўрталарида Юнон-Бақтрия подшолигида зарб қилинган пулланинг олтин ҳам ионунча бўлиб, олтин пулар статур, қумуш тангалар тетрадрахма (16гр) ва драхма (4гр) деб аталган. Ислам рамизи туширилган дастлабки тангалар - динор (4,3гр олтин танга) ва дирҳам (2,8 қумуш танга)лар 685 - 705 йилларда халифа Абул Маалик томонидан Сурия ва Фаластинда зарб этирилиб, муомалага қилинган. Ислам давлатининг бутун ҳудудида ягона пул муомала-

си жорий этилиб, динорлар йирик савдо-сотик ишларида, дирҳамлар эса солиқлар ва маош тўлашда, қудалик одаий муомалада қақалардан фойдаланиш жорий қилинди. Ислам давлатида зарб этилган пуллари раамларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, бу белгилар Ислам дини тарбиотчиси сифатида ягона Оллоҳнинггина улғурлар эди. Танга пуллари XI - XII асрларда Туркистонни бирлаштирган Қоракхонийлар давлатида ҳам, XIII асрдаги йирик давлат Хоразмшоҳ салтанати даврида ҳам, XIV - XVI асрларда Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам сўнгги XVII - XIX асрларда Айя Антиох томонидан хонлик даврида ҳам асосан олтин, қумуш ва мисдан зарб этилган. Қадимги танга пулларида намуналар ҳозир Ойбек номидаги Ўзбекистон халқларини тарихи музейида, 1896 йил ташкил этилган Ўзбек халқи санъати ва маданияти тарихи музейида, 1933 йил барпо қилинган Сурхондарё вилояти ўлка тарихи музейи ҳамда 1927 йил очилган Бухоро вилоят ўлкашунослик музейларида тўпланган.

Нилуфар КАРИМОВА, Республика Нафис санъати лицейи ўқувчиси

QUTLOV



Азиз онажонимиз Залима ШАМШИХОНОВА! Сизни табаллуд қунализи билан чин қалбдан муборакбод этамиз, ёш аёлдини тарбиялашдек, билимли қилишдек эзгу ишнингизда мубаррақиятлар тайлайми, Сизга боқай умр, мустаҳкам соғлиқ, ишингизда собитлик тилаймиз. Турмуш ўртоғингиз Салимхон ҳамда фарзандларингиз: Жўраҳон, Хилолаҳон, Хуршидаҳон, Ҳасанхон, Хусанхон, Захроҳон.

ҲИСОБ-КИТОБНИ БИЛМАГАН ШОГИРД

Ўқиб-ўрганган олим, ўқимаган ўзига эолим деган нақлни аслида ўқимаганлар ёд олиб, имкон бўлди, дегунча ўқишга интилишади. Бироқ шундай ниятдаги кишиларни ўқитишга масъул кишиларнинг айримлари уларга ўқимасанг ҳам бўлаверадиди, диплом бўлса бўлди-да, деб эгри маслаҳатлар бериб, ҳатто бу борада уларга «ёрдам» беришаркан. Фарғона вилоятининг Қирғули туманидаги ўқув ишлаб чиқариш хиссасдорлик жамиятларидан бирининг бош устаси шу жамият газначиси билан келишиб ўқитишнинг антиқа усулини ўйлаб топшиди. Улар талабаларини илм даргоҳи эшигидан киритмасдан «илмий», тўғрироғи «шаҳодатнома»ли қилиб юбориш режасини ишлаб чиқишди, бир талабани авраб, унга ўқимаса ҳам ҳисобчи бўлиш мумкинлигини айтишди. Ўқимасдан шаҳодатномали бўлиш мумкинлигидан сениб кетган талаба оғзидан суви қочиб, «Э, устозжон, бунинг йўлини тезроқ ўргатсангизчи»-деб бош устанинг оғзига қулोगини тикиб олгудек яқин олиб келди. Бироқ шу дам содда талаба бунинг учун «устозларни»га 10 минг сўм ҳада қилиш кел-

рақлигини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлди. Бундай ҳисоб-китобни билмаган талаба биринчи имтиҳондан икки олди. Фақат уни кундалигига қўйдирмаслик, тўғрироғи ота-онасига билдирмаслик учун ички ишлар ходимларидан маслаҳат сўради. Ички ишлар ходимлари бунинг усулдан хабар топгач, ушбу ўқув ишлаб чиқариш жамиятининг бош устаси Н.М. ва мазкур жамиятда қассир бўлиб ишловчи Қ.Г.ни талабгорга ўқимасдан туриб, ҳисобчилик курсини тугатганини тўғрисида шаҳодатнома ёзиб бериш эвазига 10 минг сўм пулни пора сифатида олишадиган вақтда қўлга олишти.

Шухрат РЎЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази ходими, милиция капитани

ТОҒДАН ОШГАН ҲИТОВЧИ

Жиззах вилоятининг Бахмал тумани ички ишлар бўлимида 1 кг қорадори гиёҳвандлик моддасини миқозларига 400 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди, ҳозирда тергов бераётган Қарим Бобоев ўз қилмишидан минг пушаймон бўлиб, афсус-надомат чекмоқда. Хали 30 ёшга кирмаган бу йигит қишлоқ мактабиде ўқитувчилик қиларди. Пул деган балонинг шайдоси бўлди ўз кучини тоғдан ошишга сарфлади. Тожикистонга бориб, ошна-оғайниларидан арзон-гаровга қорадори олди келиб сотиш режасини тўзди. Бироқ бу «тирикчилиги»нинг охири вой бўли-

Ma'rifatsiz kishilar

ҳамтоволари В.Ким, С.Ожоген ва А.Васильевлар билан ушбу гиёҳванд моддасини эритиб, игна орқали қонига юборган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Дастлабки тергов-суриштирув жараёнида А.Попов ва С.Ожогеннинг гиёҳванд моддаларни анчадан буюн игна орқали танасига юборишлари, В.Ким ва А.Васильевлар эса бунинг эндиғина бошлангандликлари маълум бўлди. Демак, қозонга яқин юрсанг қораси қоқад, деганларидек, дўст танлашда адашган икки ўртоқ ҳам энди улардан ўрганган нопок хунари орқасида жаовбарликка тортилади.

Баҳодир БЕГИМКУЛОВ, Жиззах вилояти ИИБ милиция лейтенанти

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касбаи уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир ҲАЛИМ САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчехра ПАРПИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳўкир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58. Газетани IBM компьютериде Абдирасул АБРАМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Нурлан Усмонов, Сайидилло НАДУРАҲОМОНОВ

Рўйхатдан ўтти тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150, Г-0193. Тиражи 57.532. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қозғоқ бичими А-2.

«Шарқ» нашриёти матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. Босилган топширин вақти -20.00. Топшириди — 19.30.